УДК: 613:616.995.1–53–084

ГИЖЖА КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ГИГИЕНИК ЖИҲАТДАН ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Эрматов Низом Жумакулович – профессор
Камилова Аида Шералиевна – ассистент
Камилов Жамшид Юлдашевич – ассистент
Ортиқов Бобомурод Баймаматович – катта ўқитувчи
Тошкент тиббиёт академияси (Тошкент, Ўзбекистон)

Аннотация. *Болалик даврида интенсив ўсиш ва интенсив метаболик жараёнлар содир бўлади, бу бола танасининг витаминлар ва минералларга бўлган юқори эҳтиёжини белгилайди. Метаболизмни бузиш, витамин етишмаслиги иммунитетнинг пасайишига ёрдам беради, боланинг жисмоний ва ақлий ривожланишига салбий таъсир қилади, сурункали касалликларнинг частотасини ва оғирлигини оширади.*

Калит сўзлар: *Гижжа касалликлари, болалар, мактаб, саломатлик, касалланиш, жисмоний ривожланиш, паразитар касалликлар.*

ГИГИЕНИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ ГЛИСТНЫХ БОЛЕЗНЕЙ НА ЗДОРОВЬЕ ДЕТЕЙ

Эрматов Низом Жумакулович – профессор
Камилова Аида Шералиевна – ассистент
Камилов Жамшид Юлдашевич – ассистент
Ортиқов Бобомурод Баймаматович – старший преподаватель
Ташкентская медицинская академия (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *В детском возрасте происходит интенсивный рост и интенсивные обменные процессы, обуславливающие высокую потребность детского организма в витаминах и минералах. Нарушение обмена веществ, авитаминоз способствует снижению иммунитета, негативно сказывается на физическом и психическом развитии ребенка, увеличивает частоту и тяжесть хронических заболеваний.*

Ключевые слова: *глистные заболевания, дети, школа, здоровье, заболеваемость, физическое развитие, паразитарные заболевания.*

HYGIENIC ANALYSIS OF THE IMPACT OF HELMINTHIC DISEASES ON CHILDREN'S HEALTH

Ermatov Nizom Zhumakulovich – professor
Kamilova Aida Sheralievna – assistant
Kamilov Zhamshid Yuldashevich – assistant
Ortikov Bobomurod Baimamatovich – senior lecturer
Tashkent Medical Academy (Tashkent, Uzbekistan)

Abstract. *In childhood, intensive growth and intensive metabolic processes occur, which determine the high need of the child's body for vitamins and minerals. Violation of metabolism, vitamin deficiency contributes to a decrease in immunity, negatively affects the physical and mental development of the child, and increases the frequency and severity of chronic diseases.*

Keywords: *helminthic diseases, children, school, health, morbidity, physical development, parasitic diseases.*

Долзарблиги. Гижжа касалликлари ўқувчиларнинг саломатлик ҳолати, ишлаш қобилияти, орган ва тизимларнинг функционал ҳолати, ўқув жараёнини ташкиллаштириш, ўқувчиларнинг ўқув фаоллиги ва харакат безовталигини таъминлаш, хронометраж ва унинг самарадорлиги ўқувчиларнинг руҳий саломатлик ҳолатига таъсир қилиши қатор муаллифларнинг ишларида келтирилган.

Бугунги кунда паразитар касалликларнинг мактаблардаги ўқувчиларнинг саломатлик ҳолати, ишлаш қобилияти ва касалланиш ҳолатига таъсирини гигиеник баҳолаш бугунги кунда соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Мақсад. Гижжа касалликларининг ўсувчи организмга таъсири ва унинг натижасида ривожланадиган касалланиш даражасини гигиеник таҳлил қилишдан иборат.

Натижалар. Гижжа касалликлари асосан болалар орасида кузатилади. Тошкент шаҳар СЭО ва ЖСҚ бошқармаси маълумотларига кўра Тошкент шаҳридаги энг кўп учрайдиган 4 турдаги гижжа касалликларини йиллар давомида 14 ёшгача бўлган болаларда тарқалиш даражаси таҳлил қилинди (1–жадвал).

1–жадвал.

Тошкент шаҳридаги 14 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари орасида ташхисланган гижжа касалликларининг кўрсаткичлари.

№	Гижжа касалликлари	2019	2020	2021	2022	2023
1.	Энтеробиоз	7889	2982	4860	6104	6620
2.	Аскаридоз	29	18	20	6	18
3.	Геминолипедоз	8	3	5	10	15
4.	Ляблиоз	208	429	571	374	625
	жами	**8134**	**3432**	**5456**	**6794**	**7278**

1–жадвалда келтирилган маълумотларга кўра 2019–йилда жами гелминтоз касалликлари 8134 нафарни ташкил этган, шундан энтеробиоз касаллиги 96,9% ни, 2020 йилда жами гелминтоз касалликлари 3432 нафарни ташкил этган, шундан энтеробиоз касаллиги 86,9 % ни, 2021 йилда жами гелминтоз касалликлари 5456 нафарни ташкил этган, шундан энтеробиоз касаллиги 86,07 % ни, 2022 йилда жами гелминтоз касалликлари 6794 нафарни ташкил этган, шундан энтеробиоз касаллиги 86,8 % ни, 2023 йилда жами гелминтоз касалликлари 7278 нафарни ташкил этган, шундан энтеробиоз касаллиги 90,9 % ни ташкил этган. 2019–йилда ляблиоз касаллиги 2,55 % ни, 2020 йилда 12,5 % ни, 2021 йилда 10,7% ни, 2022 йилда 5,5 % ни, 2023 йилда эса 8,59 % ни ташкил этди. Аскаридоз касаллиги 2019 йилда 0,34 % ни, 2020 йилда 0,52 % ни, 2021 йилда 0,37 % ни, 2022 йилда эса 0,08 % ни, 2023 йилда 0,24 % ни ташкил этди. Геминолепидоз касаллиги жами гижжа калликларининг 2019 йил 0,09 % ни, 2020 йилда 0,09 % ни, 2021 йилда 0,089 % ни, 2022 йилда 0,14 % ни, 2023 йилда эса 0,20 % ни ташкил этган. Бундан шуни кўришимиз мумкинки, энг юқори ўринни энтеробиоз касаллиги, 2–ўринни эса лямблиоз, кейинги ўринни аскаридоз ҳамда камроқ учрайдиган геминолипедозлар қайд этилган.

Тошкент шаҳридаги мактаблар сони 340 та бўлиб, 2022–йилда уларда таҳсил оладиган ўқувчилар сони 470232 нафарни ташкил этган. Сергели туманидаги мактаб ўқувчилари умумий сони 2023 йилда 300 – мактабда 6528 нафарни шундан бошланғич синф ўқувчилари 2651 нафарни, 98 – мактабда умумий мактаб ўқувчилари сони 1388 нафарни ташкил қилиб, шундан бошланғич синф ўқувчилари 510 нафарни ташкил этади.

2–жадвал.

Болаларнинг перианал бурмаларидан намуна олинганда гижжа тухумлари аниқланганлар.

Ёши	Текширилган болалар сони	Гижжа тухумлари топилмаган болалар		Гижжа тухумлари топилган болалар		1000 та болада касалланиш ўрни	Текширилган болалар сони	Гижжа тухумлари топилмаган болалар		Гижжа тухумлари топилган болалар		1000 та болада касалланиш ўрни
		абс	%	абс	%			абс	%	абс	%	
7	105	66	62,9	39	37,1	76,47	48	35	72,9	13	27,1	71,43
8	141	95	67,4	46	32,6	90,20	44	28	63,6	16	36,4	87,91
9	118	90	76,3	28	23,7	54,90	46	37	80,4	9	19,6	49,45
10	146	88	60,3	58	39,7	113,73	44	36	81,8	8	18,2	43,96
98–мактаб							**300–мактаб**					

Ҳар икки мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларда паразитологик текширув ўтказилиб, гижжа касалликларини аниқлаш мақсадида болаларнинг перианал бурмаларидан намуна олинди ва гелминт тухумлари аниқланди. Гижжа тухумлари аниқланган гуруҳни асосий гуруҳ ва гижжа топилмаган болалар жамоаси эса назорат гуруҳ деб ажратилди. 98–мактабдан 7 ёшли жами 105 нафар болалардан 66 нафарида, 8 ёшли жами 141 нафар болалардан 95 нафарида, 9 ёшли жами 118 нафар болалардан 90 нафарида, 10 ёшли жами 146 нафар болалардан 88 нафарида гижжа тухумлари топилмади; 7 ёшли болаларнинг 39 тасида, 8 ёшли болаларнинг 46 тасида, 9 ёшли болаларнинг 28 тасида, 10 ёшли болаларнинг 58 тасида гижжалар аниқланган. 300–сонли мактабдан 7 ёшли жами 48 нафар болалардан 35 нафарида, 8 ёшли жами 44 нафар болалардан 28 нафарида, 9 ёшли жами 46 нафар болалардан 37 нафарида, 10 ёшли жами 44 нафар болалардан 36 нафарида гижжа тухумлари топилмади; 7 ёшли болаларнинг 13 тасида, 8 ёшли болаларнинг 16 тасида, 9 ёшли болаларнинг 9 тасида, 10 ёшли болаларнинг 8 тасида гижжалар аниқланди.

Гижжа касалликлари аниқланган ва аниқланмаган болаларни тиббий кўрикдан ўтказилганда касалланиш ҳолатларида фарқлар мавжудлиги аниқланди (3–жадвал).

3–жадвал.

Таққосланган болалар орасида касалликларнинг тузилиши (%) ва тарқалиши, (1000 та болалар).

№	Касалликлар таснифи	Асосий гуруҳ			Назорат гуруҳ		
		Абс	1000 та болага	%	Абс	1000 та болага	%
I	Баъзи инфекцион ва паразитар касалликлар	**72**	22,8±2,7	10,3	**33**	10,4±1,8	6,7
III	Қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмни жалб этувчи айрим бузилишлар	**205**	64,9±4,4	29,2	**75**	23,7±2,7	15,2

IV	Эндокрин тизими касалликлари, овқатланиш тартибсизлиги ва моддалар алмашинуви бузилишлари	**32**	10,1±1,8	4,6	**44**	13,9±2,1	8,9
VI	Нерв тизими касалликлари	**30**	9,5±1,7	4,3	**21**	6,6±1,4	4,3
VII	Кўз ва унинг қўшимча аппарати	**45**	14,2±2,1	6,4	**36**	11,4±1,9	7,3
VIII	Қулоқ ва сўрғичсимон ўсимта	**21**	6,6±1,4	3,0	**15**	4,7±1,2	3,0
IX	Қон айланиш тизими	**6**	1,9±0,8	0,9	**8**	2,5±0,9	1,6
X	Нафас олиш аъзолари	**126**	39,9±3,5	17,9	**164**	51,9±3,9	33,3
XI	Овқат ҳазм қилиш касалликлари	**92**	29,1±3	13,1	**57**	18±2,4	11,6
XII	Тери ва тери ости тўқима касалликлари	**35**	11,1±1,9	5,0	**6**	1,9±0,8	1,2
XIII	Суяк–мушак тизими ва қўшувчи тўқима касалликлари	**22**	7±1,5	3,1	**27**	8,5±1,6	5,5
XIV	Сийдик таносил тизими	**16**	5,1±1,3	2,3	**7**	2,2±0,8	1,4

Мактаб ўқувчилар орасида касалланиш ҳолатининг синфлар бўйича таҳлилида Тошкент шаҳри 98–сонли ва 300–сонли умумий ўрта таълим мактабларидаги болаларда гижжа касалликлари билан касалланган болаларда, яъни асосий гуруҳимизда баъзи инфекцион ва паразитар касалликлар (I), нафас олиш аъзолари касалликлари (X), овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари (XI), қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмни жалб этувчи айрим бузилишлар (III), кўз ва унинг қўшимча аппарати (VII), тери ва тери ости тўқима касалликлари (IV), сийдик таносил тизими (XIV) касалликлари бирмунча кўпроқ қайд қилинди.

Болаларнинг касалланиши уларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларига таъсир этади. Икки туманнинг болалари деярли бир хил антропометрик кўрсаткичлар билан мактабга киришади. Тадқиқот ўтказганимизда мактаб ўқувчиларини икки катта гуруҳга ажратиб олдик. Бунда назорат остидаги гуруҳ соғлом болалар, асосий гуруҳ эса гижжа топилган болалар гуруҳи. Биз ёш ва жинсга қараб, асосий ва назорат гуруҳидаги болаларнинг асосий соматометрик кўрсаткичларини қиёсий баҳоладик. Маълум бўлишича, асосий гуруҳдаги болаларнинг (ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам) ўсиш кўрсаткичлари аксарият ҳолларда назорат гуруҳига нисбатан пастроқ бўлган.

Шунингдек болаларнинг тана вазни ҳам асосий ҳамда назорат гуруҳларида қиёсланганда 7 ва 8 ёшли болаларнинг назорат ва асосий гуруҳлари орасидаги таққослаш фарқи 1–2 кгни ташкил этган бўлса, 9 ёшлилардаги орадаги фарқ 1 кг ва 10 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг тана вазни орасидаги фарқ бирмунча кўп, яъни 5 кг эканлиги маълум бўлди. Асосий гуруҳдаги болаларнинг тана вазни назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада пастлиги аниқланди.

Олинган маълумотлар асосий гуруҳдаги болаларда 3 та ўрганилган соматометрик кўрсаткичлардан салбий ўзгаришлар асосан тана вазнига тўғри келди. Бунга сабаб, гижжа касаллигига учраган болаларнинг иштаҳаси пасайиши ва овқат ҳазм қилиш органларининг дисфункцияси билан тавсифланади.

Хулоса. Асосий ва назорат гуруҳларида 7 ёшда қизлар ва ўғил болаларнинг 70% дан ортиғи ўртача даражадан паст ривожланиш даражасига эга, айниқса ўғил болалар. Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги 7 ёшли ўғил болаларнинг бўй узунлиги 123,89±0,44, назорат гуруҳида 125,3±0,78 ни ташкил этди. 1990 йилги регрессия шкаласига кўра (ва ЖССТ стандартига (2006) га кўра) бу ўсиш кўрсаткичлари “ўртачадан паст” деб таснифланади.

Адабиётлар.

1. Abdullayevna I. M. Bolalarda ichak gelmintozlarini oldini olish va davolashni takomillahtirish //Scientific Journal of Applied and Medical Sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 98–101.

2. Aida Sheraliyevna Kamilova Maktab bolalarida parazitar kasalliklarining profilaktik chora–tadbirlarI // Academic research in educational sciences. 2023. №12.

3. Axatova G. A., Ruziqulova N. A. Gelmintoz kasalliklar va ularning profilaktikasi //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2024. – Т. 2. – №. 19. – С. 222–223.

4. Ermatov N. et al. Hygienic assessment of nutrition of patients with cardiovascular disease //Современные Проблемы Науки, Общества и Образования. – 2022. – С. 274–275.

5. Kamilova, Aida Sheraliyevna, Ermatov, Nizom Jumakulovich, Kamilov, Djamshid Yuldashevich // Bolalarda uchraydigan gelmintoz kasalligida ovqatlanish ratsionining o‘rni // ORIENSS. 2023. №4–2.

6. O.B. Dilmurodova, and A.Sh.Kamilova Askaridoz profilaktikasida ovqatlanishning ahamiyati. Лучшие интеллектуальные исследования 1.2 (2023): 164–168.